



Халқ депутатлари Фаргона вилояти Кенгаши сессиясининг

БАЁННОМАСИ

«1» март 2017 йил

22 -сон

Фаргона шаҳри

Вилоят Кенгаши
депутатлари
Сессияга таклиф
этилганлар

Сессияда иштирок этишди

Сессияда раислик
қилувчи

Сессия котиби

Кун тартибидаги:

- 53 нафар (рўйхат бўйича)
- 47- нафар (рўйхат бўйича)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари - Х.А.Кетмонов,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати - М.И.Ходжаева
Халқ депутатлари Фаргона вилояти Кенгаши раҳбари, вилоят ҳокими Ш.М.Ғаниев

- 50-Яйпан сайлов округидан сайланган депутат X.Курбонов

Кун тартибидаги:

1. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ этишга кўмаклашиш, шунингдек бу соҳада депутатлар ва жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида.

2. Бошқа масалалар.

Сессия регламенти: ҳисобот ва ахборот учун 15 минут, сўзга чиқувчилар ва савол жавоблар учун 5 минут.

1. **Тингланди**, сессияга қўйилган биринчи масала юзасидан, жорий йилнинг 5 январь ва 7 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикасида соғлиқни саклаш тизимининг ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболларига бағишилаб ўтказилган мажлисларда белгиланган вазифаларнинг ўз вактида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, «Фуқаролар соғлигини саклаш

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши ва унга сўзсиз амал қилиниши борасидаги депутатлар ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини такомиллаштириш, шунингдек Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2017 йил 24-февралдаги 705-Ш-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Соғлиқни саклаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолига тиббий хизмат қўрсатиш сифатини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини янада такомиллаштириш, ҳамда аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини яхшилашга каратилган вазифалар тўғрисида.

Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринbosари, Ўзбекистон Республикаси Xалқ демократик партияси фракцияси раҳбари.

Қарор қилинди:

Қарор лойихаси билдирилган таклифлар, қўшимчалар ва эътиrozлар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинди.(илова қилинади)

(Овоз бердилар: ёқлаб 53 нафар, қаршилар йўқ, бетарафлар йўқ.)

2. Тингланди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати хузуридаги Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича комиссиянинг Худудий комиссиясини ташкил этиш тўғрисида.

Қарор қилинди:

Қарор лойихаси билдирилган таклифлар, қўшимчалар ва эътиrozлар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинди.(илова қилинади)

(Овоз бердилар: ёқлаб 53 нафар, қаршилар йўқ, бетарафлар йўқ.)

Раислик қилувчи



Ш.Ғаниев